
Бу маълумотларга қуйидагилар киради:

- Иншоот жойлашган каналнинг чизиқли схемаси;
- Иншоот тури ва ўлчамлари;
- Иншоот қурилган сана;
- Иншоот сув сарфи жадвали;
- Иншоотни қиёслаш ва аттестациядан ўтказган ташкилот ходими имзоси ва муҳри;
- Навбатдаги аттестация ўтказилиши керак бўладиган сана.

***Гидропостнинг асосий техник параметрлари:***

| | |
|---|---|
| Сув ўлчаш қобилияти: | Qmax = 300 л/с<br>Qmin = 40 л/с |
| Тубининг эни: | в = 50 см |
| Юқори қисми кенглиги: | B = 2.3 м |
| Қурилиш чуқурлиги: | Hc = 1.0 м |
| Узунлиги: | L= 4.55 м |
| Ён девор қиялиги | m=1,5 |




**Supported by the SDC**

Schweizerische Eidgenossenschaft
Confédération suisse
Confederazione Svizzera
Confederaziun svizra

**Swiss Agency for Development and Cooperation SDC**

www.eda.admin.ch/uzbekistan

Ўзбекистон Республикаси
Сув хўжалиги вазирлиги

Халқаро Оролни
Қутқариш Жамғармасининг
GEF Агентлиги

www.aral.uz

**ЎЗБЕКИСТОНДА СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ МИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ**

100070, Тошкент шаҳри,
Шота Руставели кўчаси, 15
Тел.:(+99871) 2562985, 2562988
Факс (+99871) 2562985
e-mail: info@nwrmp.uz

# ШВЕЙЦАРИЯ ТАРАҚҚИЁТ ВА ҲАМКОРЛИК АГЕНТЛИГИ ТОМОНИДАН МОЛИЯЛАШТИРИЛАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ МИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ



## Фермерлар ички ариқ ва каналларини сув сатхини ростлаш ва сув ўлчаш қурилмалари билан жихозлаш
## Сув хўжалиги ходимлари ва фермерлар дала мактаби қатнашчилари учун қўлланма



**Тошкент – 2018 й.**

## Суғориш тармоғини кўздан кечириш ва иншоот қуриладиган жойни танлаш

Фермер хўжалиги суғориш тармоғининг СИУ каналидан сув олиш жойларини сув сатҳи ва сарфини ўлчашга имкон берадиган иншоотлар билан жихозлаш давр талаби хисобланади.

Иншоот қуриладиган жойга бўлган талаблар асосан қуйидагилардан иборат:

- Каналнинг тўғри участкаси бўлиши;
- Қурилиш техникаси ва қурилиш материалларини олиб келишга имконият берадиган йўл мавжуд бўлиши;
- Каналнинг лойқа ва бегона ўтлардан тоза бўлиши, дарахтларнинг иншоот қурилиш ишларини бажаришга ва уларнинг кейинги эксплуатациясига халал бермаслиги.




## Сув ўлчаш ва сув сатҳини ростловчи иншоотлар турини танлаш

Ушбу иншоотларнинг бир қанча турлари мавжуд бўлиб, суғориладиган майдон ўлчами, керак бўладиган энг катта сув сарфи миқдори ва сувдаги мавжуд бўлган лойқа оқизиқлари миқдорига қараб керакли иншоот тури танланилиши лозим бўлади.



САНИИРИ сув ўлчаш нови




Қувурли сув чиқаргич ўлчагич

## Иншоотларни лойихалаш ва қуриш

Ҳар қандай иншоотни қуришдан олдин лойиҳалаш ишлари бажарилиши лозим. Лойиҳа ишларини махсус лойиха корхоналари бажаришади. Сув хўжалиги объектларини лойиҳалашга лицензияга эга бўлган махсус корхоналарни Ҳавза бошқармасидан, туман сув бўлимидан сўраб билиб олиш мумкин.

Худди шунингдек сув хўжалиги иншоотларини қуриш учун ҳам махсус тажриба ва рухсатномаси бўлган ташкилотларни жалб этиш мақсадга мувофиқ бўлади.



Ўзгармас ўзанли гидропост

## Фермер хўжалигида сув ҳисоботини юритиш

Сув сарфини ўлчашга имкон берадиган иншоотнинг қурилиш ишлари тўла тўкис бажарилганидан сўнгра унга паспорт тузилади ва керакли маълумотлар ушбу паспортда ўз аксини топади.